

**БЎЛАЖАК МУСИҚА ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ИЖРО МАҲОРАТИНИ
ЎСТИРИШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ АҲАМИЯТИ****Ибрагимова Нилуфар Адхамовна***Гулду в.б.доценти**ibragimovanilufar@mail.ru**+998972480575*

Аннотация: *Маълумки, мамлакатимизда барча тармоқлар қатори маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилиб, бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёни мамлакатда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг зарур омили ҳисобланади.*

Калит сўзлар: *мустақил таълим, машқ, чолғу ижрочилиги, созанда, ижро техникаси, ижодий фаолият, гамма, учтовушлик, мусиқа асарлари.*

Айнан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан республикаимизда миллий мусиқий таълимни ислоҳ қилиш мақсадида мусиқа соҳасида қатор қарорларнинг қабул қилиниши таълим тўғрисидаги ислоҳотларнинг асосий стратегиясини кўрсатиб берди. Бу эса республикаимизда замонавий таълим рақобатбардошлигини таъминлаш ва таълим сифатини оширишда самарадорликка эришиш йўлида қўйилаётган ишончли қадам бўлди, деб бемалол айтиш мумкин.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак: “Мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди. Халқимизнинг ривожланиш даражаси аввало миллий маданиятимизга қараб баҳоланади. Шу маънода, маданият – бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир. Биз Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишга киришган эканмиз, буни аввало миллий маданиятимизни ривожлантиришимиздан бошлашимиз лозим” деган эдилар Президентимиз Ш.М.Мирзиёев.

Мусиқа ҳақида буюк алломаларимиз ўз фикрларини баён этганлар. Миллий маданиятимиз бобокалони Абу Нсар Ал-Фаробий мусиқани шахс шаклланишига аниқ таъсирини қуйидагича баён этади: “Бу фан, яъни мусиқа шу маънода фойдалики, кимнинг феъл-атвори мувозанатини йўқотган бўлса, тартибга келтиради, камол топмаганларни камолотга етказди ва мувозанатда бўлганларнинг мувозанатини сақлайди. Бу фан таннинг соғлиги учун фойдалидир”. Булар қаторида “Мусиқа инсон руҳи ва ақлий ривожига бебаҳо таъсир ўтказди”. Албатта мусиқа ҳақида гап кетар экан унга қанча таъриф келтирсак ҳам оз. Мусиқа воситасида йўналадиган ҳистуйғуларни сўз билан ифодалаш қийин. Шунга асосланиб, “Қачонки сўз беоқибат қолса, мусиқа ёрдамга келади”, деган эди буюк рус композитори П.И.Чайковский.

Санъат соҳасида фаолият юритадиган ҳар бир инсондан ижодкорлик, бунёдкорлик, касбий фидоийлик каби фазилатлар доимий талаб этилади. Инсонларни нафосат оламига олиб кирувчи мусиқа санъати кўп қирралиги билан ажралиб туради.

Бунинг учун санъат оламига ўз ҳиссасини қўшишни истаган ҳар бир санъаткор ўз ижро маҳоратларини ўстиришда мустақил таълимни тўғри йўлга қўя билиши лозим.

Композитор ва ўз даврининг етук созандаси, машҳур пианиночи С.Рахманинов “Бир кун чалмасам, ўзим биламан, икки кун чалмасам, дўстларим билади, уч кун чалмасам тингловчилар билади”, - деганида машқ қилиш, шуғулланишнинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор исботлаган эди. Маълумки, мусиқий педагогиканинг чолғу ижрочилиги йўналишида гамма, учтовушлик ва машқлар ўқув жараёнининг ажралмас қисмидир. Уларни ўрганиш ва чалиш ўқув даврининг ҳамма босқичларида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ундан турли босқичларда, турли мақсадларда фойдаланилади.

Доимий равишда ўз устида ишламайдиган созанданинг ижрочилик фаолияти тез тугаб қолиши мумкин. Чунки бу фаолият – ижодий фаолият. Ижодий фаолият эса доимий изланишни, ижрочилик маҳорати устида мунтазам шуғулланишни талаб қилади. Шунинг учун ўз – ўзидан, нафақат ўқув жараёнида, балки мустақил шуғулланиш жараёнида чолғучилик касбий сифатлари шаклланиб бораверади. Талаба ўзи мустақил шуғулланиш жараёнида аввал гамма, машқ ва учтовушликларни ижро техникасини ошириш мақсади: доимо, узлуксиз равишда, ҳар куни мустақил чолғу асбобида чалиши лозим. Бу жараён ҳар бир созанданинг ижро маҳоратини оширади. Сўнгра ҳар бир мусиқа асарларини қисм-қисмларга бўлиб, мустақил ўрганиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мустақил таълим жараёнида ҳар қандай машқ ёки гамма аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши керак. Акс ҳолда талаба ва ўқувчи қанча кўп шуғулланмасин керакли натижага эриша олмайди. Тажрибада бундай ҳоллар кўп учрайди. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчи ёки талабага мақсадни аниқ тушунтира билиши керак. Айрим ўқитувчилар ўқувчи ёки талабалар билан ишлашда кўпинча фақат асар устида ишлаб ёки айнан ўша асарнинг қийин бўлган қисмини қайта-қайта чалдирадлар, лекин кутилган натижага эриша олмайдилар. Бундай пайтда албатта камчиликлар сабабини аниқлаш керак. Камчиликларни бартараф қилиш учун аниқ мақсадга йўналтирилган машқ ва гаммалардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Чолғу асбобида чалишни ўргатиш жараёнида талабаларда мустақил ишлаш малакаларини шакллантириш қуйидаги омилларни ўз ичига олади:

1. Мустақилликнинг йўналтирувчи омили сифатида мусиқий-эшитиш тасаввурлари билан ишлаш.
2. Эшитиш диққатини ва ўзини ўзи назорат қилишни тарбиялаш.
3. Мустақил ишлашдаги онглилик, мантиқийлик ва эмоционалликнинг ўзаро таъсири.
4. Таҳлил ва умумлаштириш усулидан фойдаланиш.
5. Санъатга ижодий муносабатни тарбиялаш. Ижро жараёнида фаоллик.
6. Мустақил иш таълим жараёнининг таркибий қисми бўлиши ва у фақат вазифаларини бажаришдан иборат бўлиб қолмаслиги керак.

Ўз устида тинимсиз ишлаш, ҳар томонлама кенг фикрлаш, илғор педагогик ва ахборот технологияларини самарали қўллай олиш, ижодкор шахс ҳамда ёшларни билим чўққисига, юксак маънавият сари, олий инсоний фазилатлар соҳиби бўлишига даъват этадиган чинакам устоз сифатида фаолият юритиши талаб этилади. Бундай фазилатлар ҳақиқий санъаткорлик истеъдоди бўлганларгагина муносиб эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Муסיқа асарини мустақил ўрганаётган талаба албатта, ўз-ўзини назорат қилиб бориши керак. Ўз-ўзини онгли равишда қилинган назорат орқали амалга ошираётган ишларини таҳлил қилади ва умумлаштириб боради. Муסיқий санъатга бўлган онгли муносабат талабада ижодий муносабатни тарбиялайди.

Талабаларда дарс жараёнида олинган назарий билимларни амалиётга қўллай олишини шакллантириш - мустақил таълимнинг асосий омили ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш. Абдуллаева, Қ. Ибрагимова “Педагогика назарияси” Т., “Талқин” 2008.
2. Д. Каримова “Муסיқий педагогик маҳорат асослари” Т., “Иқтисод-молия” 2008.
3. О.Ф.Назаров “Қашқар рубобида ўқитиш услубиёти” Т., 2008.
4. Н. Ибрагимова. МУСИҚА НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ МУСИҚА ЎҚИТУВЧИСИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДАГИ ЎРНИ. Vol. 3 No. 28 (2024): THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY